



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИ ОММАЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ**

ҚАРОРИ

**2023 йил учун олий таълимдан кейинги таълим институтларига (PhD/DSc)
ҳамда стажёр-тадқиқотчилик институтига ўқишга қабул қилишда
танловларни ўтказиш тартиби тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассисликларига ҳамда олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига танловларда хорижий тиллардан миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар иштирок этиши тартиби жорий этилганлиги, бунда филология йўналишлари бўйича камида C1 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат, нофилологик йўналишлар бўйича эса B2 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат талаб этилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг 2022 йил 4 ноябрдаги 02-РА 1/1-1674-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 5 ноябрдаги 24/1-2878-сон топшириқларига

мувофиқ, 2023 йил учун олий таълимдан кейинги таълим институтларига (PhD/DSc) ўқишга қабул қилишда танловларда **хорижий тилни билиш даражасидан қатъи назар миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга талабгорларни докторантурага кириш танловларида иштирок этишга рухсат берилганлиги.**

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан:

«Олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими» (*phd.mininnovation.uz*) хорижий тилни билиш даражасидан қатъий назар, миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга талабгорларни олий таълимдан кейинги таълим институтларига ва стажёр-тадқиқотчиликка кириш танловларида иштирок этиши учун рўйхатдан ўтказиш;

олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда олий таълимдан кейинги таълим институтларига (таянч докторантура/PhD, докторантура/DSc) танловларини ўтказишда хорижий тиллардан миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатни тақдим этишнинг охириги муддати **2022 йил 16 декабрь**, мутахассислик фанидан имтиҳонларни ўтказишнинг охириги муддати **2022 йил учун 20 декабрь** этиб белгилансин.

3. Олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар олий таълимдан кейинги таълим институтларига (таянч докторантура/PhD, докторантура/DSc, мустақил изланувчи (PhD/DSc)) танловларни қўйидаги талаблар асосида ташкил этиш чораларини кўрсин:

а) докторантурага (таянч докторантура (PhD), докторантура (DSc), мустақил изланувчилар (PhD/DSc) учун танловларни **2022 йил 20 декабргача** ўтказиш;

б) таянч докторантурага мутахассислик фанларидан имтиҳон (ёзма/оғзаки) ҳамда докторантурага ва стажёр-тадқиқотчиликка суҳбат жараёнлари шаффофлигини таъминлаш мақсадида видеокузатув (онлайн трансляция) ташкил этиш;

в) онлайн трансляция жараёнини кузатиш (ZOOM платформаси/Youtube линки) тўғрисидаги маълумотларни имтиҳон ва суҳбат ўтказилишидан **камида 2 кун олдин** олий таълим муассасаси/илмий ташкилот расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ҳамда юқори турувчи вазирлик ва идораларга тақдим этиш.

4. Таянч докторантурага (PhD) кириш имтиҳонларини мутахассислик фанидан ёзма/оғзаки имтиҳон шаклида ўтказиш белгилансин, бунда:

1) мутахассислик фанидан ёзма имтиҳон ҳар бири 25 балл билан баҳоланувчи 4 та саволдан иборат билетлар асосида ўтказилади ҳамда максимал 100 балл билан баҳоланади. Билетлар муҳрланган конвертга жойлаштирилади ва имтиҳон бошланишидан 5 дақиқа олдин талабгорлар иштирокида очилади;

ёзма/оғзаки имтиҳон талабгорнинг тегишли фан бўйича умумий билимларини аниқлашга қаратилади;

ёзма/оғзаки имтиҳон саволлари тегишли ихтисосликларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаси ёки илмий ташкилотнинг тегишли кафедраси томонидан **камида 50 та** миқдорда тузилади ҳамда Коллегиал орган томонидан тасдиқланади.

5. Таянч докторантурага мутахассислик фанларидан имтиҳон ҳамда докторантурага ва стажёр-тадқиқотчиликка суҳбат ўтказиш жараёнида имтиҳон комиссияси аъзоларидан бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Имтиҳон комиссиялари стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик институтларига кириш танловлари натижаларини мажлис баёни билан расмийлаштиради ҳамда имтиҳон ўтказилган кунда эълон қилади.

а) Имтиҳон комиссиясининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кириш имтиҳони натижаларини мажлис баёни асосида расмийлаштириш;

мажлис баёнида ихтисослик шифри, талабгорнинг исми шарифи, имтиҳон ўтказилган вақт ва бино (аудитория) рақами, имтиҳон комиссияси аъзолари таркиби, имтиҳон саволлари, қўйилган баҳолар ҳамда аъзоларнинг имзоси кўрсатилишини таъминлаш;

мажлис баёни ҳамда имтиҳон натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни қабул комиссиясига тақдим этиш;

б) Имтиҳон комиссиясининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

имтиҳон ўтказиладиган аудиторияга имтиҳон комиссияси раиси ва аъзолари ҳамда талабгорлардан бошқа шахсларнинг киришига йўл қўймаслик;

талабгор имтиҳон ўтказиш тартибини бузган ҳолатда далолатнома тузиш орқали уни имтиҳондан четлаштириш;

в) Қуйидаги ҳолатлар талабгор имтиҳон ўтказиш тартибини бузган деб ҳисоблашга асос бўлади:

имтиҳон ўтказиладиган аудиторияга киришда микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилиш ёки олиб кириш;

имтиҳон давомида имтиҳон топшириқларини бошқа талабгорларга узатиш ёки уларга ёрдам бериш;

имтиҳонга белгиланган вақтда келмаслик, имтиҳонга ажратилган вақт тугаганидан кейин имтиҳон топшириқларини топширишдан бош тортиш;

имтиҳон жараёнида турли баҳоналар билан бир неча марта ташқарига чиқиб келиш;

имтиҳон топшириқларини аудиториядан ташқарига олиб чиқиш;

имтиҳон жараёнида белгиланган мазкур тартибларга риоя қилмаслик.

6. Таянч докторантурага кириш имтиҳонларининг умумий натижаси талабгорларнинг мутахассислик фанидан ёзма/оғзаки имтиҳонда тўплаган ҳамда чет тилидан сертификат баллари йиғиндиси асосида аниқланади;

қабул квоталарига мувофиқ, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда, энг юқори балл тўплаган талабгорлар кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ҳисобланади.

7. Бир неча талабгорларнинг стажёр-тадқиқотчиликка, таянч докторантурага ва докторантурага кириш имтиҳонлари ёки суҳбат натижалари бўйича улар томонидан тўпланган якуний баллари тенг бўлган тақдирда қуйидаги талабгорларга устунлик берилади:

а) стажёр-тадқиқотчилик ва таянч докторантурага:

магистратурани аъло баҳолар билан тамомлаганларга;

муаллифлик гувоҳномалари ва патентга эга бўлганларга;

журналларда, шу жумладан, хорижий журналларда илмий мақолалар чоп этганларга;

б) докторантурага:

5 йилдан ортиқ илмий-педагогик стажга эга бўлганларга;

муаллифлик гувоҳномалари ва патентга эга бўлганларга;

монография эълон қилганларга (ижтимоий-гуманитар фанлар учун), диссертация мавзуси бўйича тегишли илмий журналларда, шу жумладан, хорижий журналларда чоп этилган ишлари сони бошқа талабгорларга нисбатан кўп бўлганларга;

диссертация тадқиқотининг 50 фоизидан кўп қисмини бажарганларга.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон қарорига мувофиқ, олий таълим ташкилотларининг кимё ва биология мутахассислигини фақат «аъло» баҳолар билан тамомлаган магистрлар олий

таълим ва илмий ташкилотларнинг Коллегиал органи қарори асосида имтиҳонларсиз тўғридан-тўғри квота доирасида қабул қилинади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиблари таянч докторантурага (PhD) олий таълим ва илмий ташкилотларнинг Коллегиал органи қарори асосида имтиҳонларсиз тўғридан-тўғри қабул қилинади.

10. Докторантурага (DSc) кириш имтиҳони суҳбат шаклида ташкил этилади;

докторантурага кириш имтиҳонларининг умумий натижаси талабгорларнинг суҳбат натижаси ҳамда чет тилидан сертификат бали асосида аниқланади;

11. Мустақил изланувчиликка кириш танловлари фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражаларига даъвогар изланувчилар учун суҳбат шаклида ташкил этилади;

мустақил изланувчиликка кириш умумий натижаси талабгорларнинг суҳбат натижаси ҳамда чет тилидан сертификат бали асосида аниқланади;

мустақил изланувчиликка талабгорларни қабул қилиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

12. Стажёр-тадқиқотчиликка кириш имтиҳони суҳбат шаклида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган «Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги Низом»нинг 3-бандига мувофиқ, олий таълимдан кейинги таълим институтида таълим – **таянч докторантура, докторантура** ва **мустақил изланувчилик** шаклларида амалга оширилиши, стажёр-тадқиқотчилик институти олий таълимдан кейинги таълим институтига тайёргарлик босқичи ҳисобланиши белгиланганлиги сабабли **стажёр-тадқиқотчилик институтига талабгорлардан чет тилини билиш юзасидан сертификат талаб этилмайди.**

13. Олий таълимдан кейинги таълим институтларига қабул жараёнларининг шаффофлигини таъминлашга тегишли олий таълим муассасаси ректорлари ёки илмий ташкилотлар директорлари масъул ҳисобланади;

кириш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган талабгорларнинг шикоятларини кўриб чиқиш мақсадида олий таълим муассасаси ва илмий ташкилот томонидан апелляция комиссияси тузилади;

апелляция комиссияси таркибига имтиҳон комиссияси аъзолари киритилмайди;

талабгорлар томонидан апелляция аризаси олий таълим муассасаси ёки илмий ташкилот раҳбари номига имтиҳонларнинг якуний натижаси эълон қилинганидан кейин **24 соат** ичида ёзма равишда олий таълим ёки илмий ташкилот девонхонаси орқали топширилиши мумкин;

ариза апелляция комиссияси томонидан бир кун ичида кўриб чиқилиб, мурожаат эгасига (ҳужжатлар нусхаси юқори турувчи вазирлик ёки идорага) расмий жавоб берилади;

апелляция жараёнлари кенг жамоатчилик кузатиши учун овозли видеотасвирлар асосида тўғридан-тўғри онлайн трансляция қилинади;

кириш имтиҳонлари жараёнига ҳар қандай даражадаги ташкилотлар (шахслар) томонидан ва ҳар қандай турдаги (расмий ёзма, оғзаки) ноқонуний аралашиш ҳолатлари юзага келганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ҳамда мазкур шахслар фаолият юритувчи ташкилотга ушбу масалани кўриб чиқиш юзасидан расмий хат йўлланади;

апелляция шикоятини берган талабгор хабарномада белгиланган кунда ўзининг паспорти билан келиши шарт;

апелляция шикояти апелляция комиссияси томонидан фақат талабгор иштирокида, унинг имтиҳонда берган ўз жавоблари асосида кўриб чиқилади. Талабгорнинг жавоблари тасдиғини топмаган бўлса, апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

талабгор мурожаати асосида унга апелляция шикояти бўйича қабул қилинган қарордан кўчирма берилади;

апелляция комиссиясининг қарори юзасидан мажлис баёни расмийлаштирилади ҳамда унинг нусхаси олий таълимдан кейинги таълим институтларига қабул қилиш бўйича қабул комиссиясига апелляция жараёни тўлиқ тугаганидан сўнг **уч иш** куни ичида тақдим этилади.

14. Таъкидлаб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ–682-сон Қонунининг 18-моддаси иккинчи, учинчи қисмларига мувофиқ, **норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилиши** боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган «Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги Низом»нинг 22-банди биринчи хатбоши ҳамда 25-банди тўртинчи хатбоши **амалда қўлланилмайди**.

Олий таълимдан кейинги таълим институтлари ташкил этилган олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар томонидан олий таълимдан кейинги таълим институтларига кириш танловларида **чет тилидан имтиҳон ўтказилмаслиги белгилаб қўйилсин.**

15. Истисно тариқасида 2022 йил учун ишлаб чиқилган «Талабгорларнинг хорижий тилни билиш даражаси тўғрисидаги сертификат даражалари ва уларни баҳолаш мезонлари» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги томонидан 2023 йилдан бошлаб олий таълимдан кейинги таълим институтларига (PhD/DSc) ўқишга талабгорларнинг хорижий тилни билиш даражасини CEFR стандарти асосида аниқлаш учун имтиҳонларни доимий равишда ўтказилсин.

17. Олий таълимдан кейинги таълим институтлари (PhD/DSc) ташкил этилган олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар раҳбарлари зиммасига:

ўқишга қабул қилинган изланувчиларнинг яқка тартибдаги режасига биринчи ўқув йили (курс) давомида белгиланган даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат олиш вазифаси белгилансин;

бунда, олий таълимдан кейинги таълим институтларига (PhD/DSc) кириш танловларида тил билиш сертификатларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 30 июндаги 220-сон буйруғи иловасида келтирилган рўйхатдан фойдаланилсин;

олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 1-курсга қабул қилинган докторантлар (PhD/DSc) учун уларнинг илмий-тадқиқот фаолияти режа/жадвалини инобатга олган ҳолда, **2023 йил январдан**, ўқиш даври давомида хорижий тиллардан бепул ўқув курсларини ташкил қилиш;

олий таълим муассасасининг ўқув дастурлари ва режаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланган сертификатларни олиш имконини яратиш даражасида такомиллаштириш вазифаси юклатилсин.

18. Мазкур қарор ижроси юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар зиммасига юклатилсин.

Инновацион ривожланиш вазири

Тошкент ш.,

2022 йил « 18 » 11,11-01/0 -сон

И.Абдурахмонов

ASLIGA TO'G'RI

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Тошкент ш.,

2022 йил « 18 » 11,50-01/0 -сон

А.Тошқулов

ASLIGA TO'G'RI

Ўзбекистон Республикаси**Фанлар академияси президенти**

Тошкент ш.,

2022 йил « 18 » 11,8/2 -сон

Б.Юлдашев

ASLIGA TO'G'RI

Ўзбекистон Республикаси**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги****Давлат тест маркази директори**

Тошкент ш.,

2022 йил « 18 » 11,84-01-4215 -сон

М.Каримов

ASLIGA TO'G'RI

Ўзбекистон Республикаси**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги****Хорижий тилларни ўрганишни****оммалаштириш агентлиги директори в.в.б.**

Тошкент ш.,

2022 йил « 18 » 11,6-01/0 -сон

С.Обидов

ASLIGA TO'G'RI

Қўшма қарорга
Илова

Талабгорларнинг хорижий тилни билиш даражаси
тўғрисидаги сертификат даражалари ва уларни
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Хорижий филология йўналишлари учун

Т/р	Сертификат даражаси (CEFR шкаласи бўйича)	Балл
1.	C1 ва ундан юқори	100
2.	B2	80
3.	B1	60
4.	A2	40
5.	A1	20

Нофилологик йўналишлар учун

Т/р	Сертификат даражаси (CEFR шкаласи бўйича)	Балл
1.	B2 ва ундан юқори	100
2.	B1	80
3.	A2	60
4.	A1	40